



Ўзбекистон Республикаси номидан

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2022 йил 20 май

Шовот тумани

4-2202-2201/429-сонли иш

Шовот туманлараро иқтисодий суди раиси, судья Б.Хайитбоев раислигида судья ёрдамчиси Ш.Салаевнинг котиблигида, Шовот туманлараро иқтисодий суди биносида, очиқ суд мажлисида

Даъвогар: [redacted] масъулияти чекланган жамияти тугатиш бошқарувчиси Ш.Абидовнинг

Жавобгар: Якка тартибдаги тадбиркор [redacted] [redacted] дан 6.400.000 сўм ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни даъвогар Ш.Абидов иштирокида кўриб чиқиб,

АНИҚЛАДИ:

[redacted] масъулияти чекланган жамияти Шовот туманлараро иқтисодий судининг 2021 йил 23 июлдаги ҳал қилув қарори билан банкрот топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган ҳамда тугатиш бошқарувчиси этиб Абидов Шавкат тайинланган.

Тугатиш иши жараёнида [redacted] масъулияти чекланган жамияти томонидан якка тартибдаги тадбиркор [redacted] [redacted] ҳисобига 6.400.000 сўм ўтказилганлиги аниқланган.

Тугатувчи бошқарувчи томонидан якка тартибдаги тадбиркор [redacted] [redacted] га талабнома юборилиб, ўтказилган пул маблағларини тугатиш ҳисоб-рақамига қайтариш сўралган.

Бирок, юборилган талабнома жавобгар томонидан ижросиз қолдирилган.

Шу боис, [redacted] масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда – даъвогар деб юритилади) Шовот туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, якка тартибдаги тадбиркор [redacted] (бундан буён матнда – жавобгар деб юритилади)дан 6.400.000 сўм ундиришни сўраган.

Бугунги суд мажлисида даъвогар вакили иш ҳолатлари юзасидан тушунтириш бериб, [redacted] масъулияти чекланган жамияти ҳисоб рақамидан 1 та ҳолатда 28.02.2019 йилда 6.400.000 сўм якка тартибдаги тадбиркор [redacted] “вақтинчалик молиявий ёрдам пули ўтказилганлигини, бироқ шартнома тузилмаганлигини, қарздорликни ундириб беришни, даъвони тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Бугунги суд мажлисининг ўтказилиш вақти ва жойи тўғрисида жавобгар қонунда белгиланган тартибда хабардор қилинган бўлсада, унинг вакили иштирок этмади, даъво ариза юзасидан фикр билдирмади.



Бундай ҳолда суд ишни Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодексининг 128,170-моддасига асосан жавобгар вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, ишда иштирок этувчи тараф вакилини тинглаб ҳамда ишдаги ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъвони тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 8 ва 234-моддаларига асосан мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 732-моддасига асосан, қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига барабар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Ишдаги ҳужжатлардан маълум бўлишича, даъвогар томонидан жавобгарнинг ҳисоб-рақамига жами қайтариб бериш шarti билан молиявий ёрдам сифатида 6.400.000 сўм ўтказилган.

Бирок, жавобгар томонидан 6.400.000 сўм молиявий ёрдам қайтарилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1023-моддасига кўра, қонун ҳужжатларида ёки битимда белгиланган асосларсиз бошқа шахс (жабрланувчи)нинг ҳисобидан мол-мулкни эгаллаб олган ёки тежаб қолган шахс (қўлга киритувчи) асоссиз эгаллаб олинган ёки тежаб қолingan мол-мулкни (асоссиз орттирилган бойликни) жабрланувчига қайтариб бериши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 790-моддаси иккинчи қисмига кўра, юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ҳолда улар иштирокидаги ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тартибда амалга оширилади.

Бундай ҳолатда суд даъвогарнинг асосий қарз ундириш талабини асосли деб ҳисоблаб, уни тўлиқ қаноатлантиришни ва ушбу қисм юзасидан суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади

Баён этилганларга асосан суд, даъвогарнинг даъвосини тўлиқ қаноатлантиришни, суд харажатларини жавобгардан ундиришни лозим деб топади.



Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68, 118, 170, 176-179, 180-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Даъвогарнинг даъвоси тўлиқ қаноатлантирилсин.

Якка тартибдаги тадбиркор [REDACTED] [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятига 6.400.000 сўм асосий қарз ундирилсин.

Якка тартибдаги тадбиркор [REDACTED] Республика бюджетига 270.000 сўм давлат божи ундирилсин.

Якка тартибдаги тадбиркор [REDACTED] Шовот туманлараро иқтисодий судига 21.600 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддатда апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

Б.Хайитбоев

